

6-1-2021

MECHANISMS OF SMALL BUSINESS FINANCING BY COMMERCIAL BANKS

S. Mekhmonov Prof.
Tashkent Institute of Finance

E. Ergashev DSc.
Tashkent Institute of Finance

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Mekhmonov, S. Prof. and Ergashev, E. DSc. (2021) "MECHANISMS OF SMALL BUSINESS FINANCING BY COMMERCIAL BANKS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2021 : Iss. 3 , Article 3.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2021/iss3/3>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

И.ф.д., проф., С.Мехмонов, и.ф.д. Э.Эргашев
Тошент молия институти

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕСНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Аннотация: Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал суръатлар билан ривожланишида банкларнинг ўрни катта, чунки банклар томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилаётган кредитлар натижасида субъектларнинг молиявий барқарорлиги таъминланмоқда. Кичик бизнес капитал тақчиллиги шароитида кўп маблағ талаб этмайдиган хўжалик фаолияти сифатида ресурслар айланмасининг юқори суръатларини таъминлайди.

Мақолада тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг янги шакллари жорий этиш ва такомиллаштириш борасидаги фикрлар ўрин олган. Тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодий ривожланишига таъсири эконометрик таҳлил асосида ўрганилган ва шунингдек, кичик бизнес субъектларини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш ва кенгайтириш йўллари баён этилган.

Таянч сўзлар: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, кредит, микрокредит, молиялаштириш механизми, капитал, кредитлаш тизими, эконометрик моделлаштириш, регрессия, молиявий қўллаб-қувватлаш.

Prof. S.Mexmonov, DSc E.Ergashev
Tashkent Institute of Finance

MECHANISMS OF SMALL BUSINESS FINANCING BY COMMERCIAL BANKS

Abstrat: Banks play an important role in the rapid development of small business and private entrepreneurship in our country, as the financial stability of entities is ensured as a result of loans provided by banks to small businesses. Small business provides high rates of resource turnover as a low-cost economic activity in the context of capital shortage.

The article discusses the introduction and improvement of new forms of financing small business activities by commercial banks. On the basis of econometric analysis, the influence of loans provided by commercial banks on the economic development of small businesses and private entrepreneurship are studied, and ways to improve and expand the financing mechanisms for small businesses are also outlined.

Keywords: small business and private entrepreneurship, credit, microcredit, financing mechanism, capital, credit system, econometric modeling, regression, financial support.

Кириш

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бозор иқтисодиётига асосланган янги иқтисодий, молиявий, ижтимоий ва бошқа муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши ислохотларнинг натижаси ҳисобланади. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Ишлаб чиқариш субъектлари

орасида кичик бизнес ташқи ва ички муҳитнинг ўзгарувчан шарт-шароитларига тез ва осон мослаша олиш қобилиятига эга. Бу хусусият рақобат муҳити ривожланишига, иқтисодий тизимни тузилмавий жиҳатдан қайта қуриш жараёнларини амалга оширишга, инновацион технологияларга асосланган ишлаб чиқариш тизимларини ривожлантиришга туртки беради. Кичик бизнес субъектлари ижтимоий бандлик муаммосини ижобий ҳал этишга ёрдам бериши, жамиятда ижтимоий тангликни камайтиришга имкон беришини инобатга олсак, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида амалдаги молиялаш механизмини такомиллаштириш катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони [1] билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида “банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш, истикболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлашни янада кенгайтириш” энг муҳим устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал суръатлар билан ривожланишида банкларнинг ўрни катта, чунки банклар томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитлар орқали иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг молиявий-иқтисодий-ижтимоий жиҳатлари назарда тутилган. Маълумки, кичик бизнес капитал тақчиллиги шароитида кўп маблағ талаб этмайдиган хўжалик фаолияти сифатида ресурслар айланмасининг юқори суръатларини таъминлайди, иқтисодиётни қайта қуриш, иқтисодий нобарқарорлик ва ресурслар чекланганлиги шароитида истеъмол бозорини шакллантириш ва уни тўлдириш муаммосини тез ҳамда тежамли тарзда ҳал этади. Кичик корхоналар истеъмол талабининг ўзгаришига дарҳол мослашади ва шу йўл билан истеъмол бозоридаги зарурий мувозанатни таъминлайди.

Кейинги йилларда банк фаолияти тижорат банклари олдида қўйилган куйидаги устувор вазифаларни ҳал этишга йўналтирилади:

- молиявий барқарорликни халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ ўстириб бориш;
- инвестиция фаолиятини ва банкнинг капиталлашув даражасини кучайтириш;
- банкнинг кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашдвги иштирокини янада кенгайтириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштирилишини кўпайтириш мақсадида халқаро молия институтларининг кредит линияларини жалб этиш ва ўзлаштирилишини янада кенгайтириш;

- ресурс базасини мустаҳкамлаш, жамғармаларнинг ҳамда депозитларнинг янги жозибадор турларини жорий этиш, шунингдек қарз мажбуриятларини чиқариш орқали аҳолининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк айланмасига кенг жалб этиш;

- кўрсатилаётган банк хизматларининг ранг-баранглиги ва сифатини илғор ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, шунингдек электрон тижоратни ривожлантириш ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини кенгайтириш йўли билан кўрсатилаётган банк хизматларининг ранг-баранглиги ва сифатини кенгайтириш;

- иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларидаги, шу жумладан хизмат кўрсатиш ва туризм, саноат, қурилиш соҳаларидаги бозорнинг янги бўғимларини ўзлаштириш, мамлакатнинг эркин иқтисодий ҳудудларида фаолият юритаётган корхоналарни молиялаштиришда иштирок этиш;

- бизнес жараёнларни автоматлаштириш ва банк маҳсулотларини стандартлаштириш, шунингдек бошқарув ҳисоботлари ва таҳлилий ечимлар тизимини жорий этиш йўли билан банкнинг таркибий тузилмаси бўлинмаларининг ишини такомиллаштириш ва оптималлаштириш.

Шунингдек, таълим муассасаларини битирган ёш тадбиркорларнинг, оилавий тадбиркорлик субъектларининг, шунингдек мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бошқа истиқболли лойиҳаларини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Кичик бизнес корхоналарининг узоқ муддатли истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш манбалари бўлиб, банкнинг ўз кредит ресурслари, халқаро молия институтларининг, хусусан Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорациясининг кредит линиялари хизмат қилади.

Келгуси йили банк томонидан кредитлаш жараёнида янги банк маҳсулотларини ва технологияларини энг яхши маҳаллий ва хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйиш бўйича ишларни давом эттириш режалаштирилмоқда.

Банк инвестиция фаолиятини ўзининг истиқболли йўналишлардан бири деб ҳисоблайди ва 2020 йилда банкнинг инвестиция қўйилмаларини кўпайтириш бўйича бир қанча ишларни амалга оширишни, шунингдек инвестиция ресурсларининг сифатини кўтаришни режалаштирмоқда. Банк инвестиция қўйилмаларини киритган молия компанияларнинг фаолиятини кенгайтириш, айниқса ушбу компаниялар томонидан янада жозибадор бозор бўғимларинининг ўзлаштирилиши долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнесни молиялаштиришнинг янги шакллари қўллаш ҳамда кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтиришга, шунингдек унинг фаолитяи самарадорлишигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Банкнинг эмиссиявий фаолияти қарзга оид қимматли қоғозларни чиқариш ва сотиш орқали банкнинг узок муддатли ресурс базасини мустаҳкамлашга қаратилади. Хусусан, барқарор ресурс базасини мустаҳкамлаш учун депозит сертификатларининг навбатдаги чиқарилуви режалаштирилмоқда. Қимматли қоғозлар чиқарилиши банкка банкнинг заем ресурсларини кенгайтириш ва диверсификациялаш имкониятини яратиб бериши ҳамда банкнинг барча мижозларига (шу жумладан йирик бўлмаган мижозларга) ўз бўш пул маблағларини жойлаштиришнинг муқобил таклифини бериши зарур.

Кейинги йилда замонавий инфратузилмани яратиш ва валюта ҳамда пул бозорларидаги фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш учун жараёнларни шакллантириш бўйича банк томонидан изчил ишлар амалга оширилди.

Банкларни ривожлантириш стратегиясига мувофиқ тижорат банклари томонидан кичик бизнесни молиялаштиришнинг янги шакллари қўллаш доирасида келгуси йилда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда:

- конвертация, банкнот битимлари соҳасида мижозларга жозибадор банк хизматларини таклиф қилиш, шунингдек, мижозларнинг форекс операцияларига қизиқишини кучайтириш бўйича турли маркетинг тадбирларини ўтказиш орқали хизматлар ҳажмини ва турларини кенгайтириш;

- пул ва валюта бозорларида банкнинг ишчан фаоллигини ошириш, шунингдек банкнинг таниқлилигини ошириш бўйича тадбирлар ўтказиш;

- кичик бизнесни молиялаштиришнинг янги шакллари қўллаш ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларининг ривожлантириш соҳасида молия бозорининг турли институтлари лойиҳаларида иштирок этиш ва улар билан ҳамкорлик қилиш;

- банк томонидан кичик бизнесни молиялаштириш ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларининг янги модулларни ишлаб чиқиш орқали дилинг операциялари жараёнларини такомиллаштириш, шунингдек жисмоний шахслар билан форекс операцияларини ўтказиш учун махсус мобил иловани ишлаб чиқишдан иборатдир.

Адабиётлар шарҳи

Кичик бизнес фаолиятидаги иқтисодий манфаатлар, мақсадлар ва аниқ вазибаларнинг самарали ҳал этилишини таъминлашга қодир бўлган ички имкониятлар, зиддиятларни ҳамда уларни молиялаштириш механизмларини ривожланишининг ташкилий-иқтисодий, назарий-услубий жиҳатлари хориж ва мамлакатимиз олимлари томонидан кенг муҳокама қилинган. Жаҳон мамлакатларида кичик бизнес субъектларини кредит олиш имкониятлари муаммога айланган бир вақтда, аҳолининг стартап лойиҳаларини кредитлаш механизмлари Стиглитз ва Веисслар томонидан асосланган [6]. Кичик бизнес субъектларининг банклар, давлат ташкилотлари ва кичик бизнесни қўллаб-қувватловчи ташкилотлар билан муносабатини баҳолаш асосида уларни

молиявий қўллаб-қувватлаш ва енгиллаштирилган шартлар асосида кредитлаш тизимини бўйича Патерсен, Ражан, Бергае Элсас кабилар тадқиқот олиб борганлар [7,8]. Кичик бизнесни молиялаштириш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш, уларни кредитга лаёқатлилигини аниқлашда корхоналарнинг молиявий аҳволи, ривожланиш даражаси, кредиторнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашга қаратилган эконометрик моделлаштириш масалалари бўйича Фелдмен ва Мастер тадқиқотлар қилган [9]. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш мақсадида уларнинг импорт тўлови билан боғлиқ бўлган харажатларни камайтириш бўйича И.Алимардонов[10] тадқиқотларида таклифлар берилган.

Таҳлил ва натижалар

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида мазкур соҳага тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар ва кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Жумладан, барча манбалар ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит ресурслари ҳажми 2019 йилда 19564,0 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2017 йилга нисбатан 3,2 баробарга ошди, микрокредитлар ҳажми эса тегишлича 3,6 баробарга ортиб, 4015,0 млрд. сўмга етди. Хусусан, 2019 йилда оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш учун 490,3 млрд. сўм, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 2782,2 млрд. сўм, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 3381,4 млрд. сўм, ноозиқ-овқат истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 3915,8 млрд. сўм, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга 360,2 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган.¹

Молия бозори ривожланган мамлакатлар амалиётида кредит ташкилотлари маблағлари кичик бизнесни ривожлантириш учун асосий молиялаш манбаи ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялашда тижорат банклари маблағлари юқори улушни ташкил этади.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётини янада кенгайтиришга қаратилган мақсадли стратегияларни белгилаши лозим. Шунингдек, кичик бизнес субъектларини кредитлашда асосий эътибор юқори ликвидли мавжудлигига қаратилаётганлиги кичик бизнес субъектлари кредитлаш ҳажмини янада оширишга тўсқинлик қилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, банклар талаб қилаётган юқори ликвидли гаров объектлари кичик бизнес субъектларининг кўпчилигида мавжуд эмас. Кичик бизнес субъектларининг инвестицион харажатларини кредитлаш амалиётида ечимини кутаётган муаммолардан яна

¹<http://www.stat.uz> – сайти маълумотларидан фойдаланилган.

бири хорижий кредит линиялари орқали жалб этилаётган инвестицион кредитлар баҳосининг юқори эканлигидир.

Банкларда кичик бизнесни кредитлаш учун ресурс салоҳияти юқори эмаслиги, барча хўжалик юритувчи субъектларнинг, шу жумладан, кичик бизнес субъектларининг пул оқими барқарорлигига нисбатан салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса, иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст эканлиги хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги тўловсизлик муаммосини ҳал қилиш имконини бермайди. Мамлакатимизда тадбиркорлик дастурлари доирасида 2021 йилда 3 трлн сўмдан ортиқ субсидиялар берилиши мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳамда Жамоат ишлари жамғармасига 250 млрд сўмдан маблағ йўналтириш режалаштирилган.

1-жадвал

Тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратган кредитлари ҳажми, млрд. сўм²

Йиллар	КБХТ маҳсулот ишлаб чиқариш ва кўрсатилган хизматлар (Y_1), млрд. сўм	Тижорат банклари томонидан кичик бизнесга ажратилган кредитлар, млрд. сўм (X_1)	Тижорат банклари томонидан кичик бизнесга кўрсатилган микромолиявий хизматлар (X_2), млрд. сўм
2015 й.	65990,38	6982,0	1366,0
2016 й.	81382,29	9158,0	1907,0
2017 й.	97415,31	12112,0	2526,0
2018 й.	108996,4	15870,1	3326,0
2019 й.	139469,7	19564,0	4015,0

1-жадвал маълумотлари асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлаш асосида молиялаштириш ҳажми билан кичик бизнеснинг ривожланишини ўзаро боғлиқликда таҳлил қилиш учун регрессия тенгламалари, корреляциявий боғлиқлик коэффицентларидан фойдаланиш мумкин. Буни амалга оширишда “Excel” дастуридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Республика миқёсида 2015-2019 йилларда КБХТ соҳаси орқали яратиладиган товар-хизматлар (Y) ҳажмини тижорат банклари томонидан кичик бизнесга ажратилган кредитлар ва микромолиявий хизматлар таъсирини ҳисоблаш амалга оширилади.

² <http://www.stat.uz> – сайти маълумотларидан фойдаланилган ҳолда тузилган.

2-жадвал

Регрессион таҳлил натижаси³

<i>Регрессион статистика</i>	
Кўплик R	0,98990
R-квадрат	0,97991
Нормаланган R-квадрат	0,95983
Стандарт хато	5615,005
Кузатувлар	5

<i>Дисперсион таҳлил</i>					
	df	SS	MS	F –ҳисоб	F – жадвал
Регрессия	2	3076588378	1538394189	48,79	0,020084
Қолдиқ	2	63056566,36	31528283,18		
Жами	4	3139644944			

<i>Регрессион статистика натижаси</i>				
<i>Ўзгарувчилар</i>	<i>Кoeffициентлар</i>	<i>Стандарт хатolik</i>	<i>t-статистика</i>	<i>p-қиймат</i>
Y-ўзгарувчи	27758,06	7982,5	3,4	0,07
X1	11,35	12,8	0,8	0,46
X2	-28,08	61,2	-0,45	0,69

Регрессион статистика натижаси маълумотлари асосида Y - натижавий омил билан таъсир этувчи омиллар (X₁, X₂) ўртасидаги корреляцион боғланишни ифодаладиган регрессиянинг тенгламасини энг кичик квадратлар усулидан фойдаланиб қуйидагича акс эттиришимиз мумкин бўлади:

$$Y = 11,3X_1 - 28,1X_2 + 27758,1$$

Ҳисобланган $R^2 = 0,97991$; $F(\text{ҳисоб}) = 48,79 > F(\text{жадвал}) = 0,02$;

Таҳлил натижаларидан маълумки X₂ бўйича қабул қилинган $p = 0,69$ бўлиб, ушбу қиймат 0,05 дан кичик қиймат қабул қилиши лозим. Шунга кўра ушбу ўзгарувчи бўйича қабул қилинган модель мақсадга мувофиқ эмас. Шу боис X₂ ўзгарувчини чиқарган ҳолда ўзгарувчилар таъсирини алоҳида ҳисоблаш орқали топамиз:

$$Y = 5,46X_1 + 29026,4$$

$$R^2 = 0,977; F(\text{ҳисоб}) = 132,1 > F(\text{жадвал}) = 0,001;$$

Ушбу модель банк кредитлари ҳажми билан кичик бизнеснинг ривожланиши орасидаги боғлиқлик даражаси жуда кучли ва тўғри пропорционал эканлигидан далолат беради. Модель натижалари кичик бизнес субъектларига ажратилаётган бир сўмлик кредит, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 5 бирликка оширишга имкон беради. Ушбу ҳолат эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётини янада кенгайтиришга қаратилган мақсадли стратегияларни белгилаши лозим.

³ Маълумотлардан фойдаланилган ҳолда муаллиф томонидан мустақил бажарилган.

Шунингдек, кичик бизнес субъектларини кредитлашда асосий эътибор юқори ликвидли гаров объектларининг мавжудлигига қаратилаётганлиги кичик бизнес субъектлари кредитлаш ҳажмини янада оширишга тўсқинлик қилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, банклар талаб қилаётган юқори ликвидли гаров объектлари кичик бизнес субъектларининг кўпчилигида мавжуд эмас.

Кичик бизнес субъектларининг инвестицион харажатларини кредитлаш амалиётида ечимини кутаётган муаммолардан яна бири хорижий кредит линиялари орқали жалб этилаётган инвестицион кредитлар баҳосининг юқори эканлигидир.

Банкларда кичик бизнесни кредитлаш учун ресурс салоҳияти юқори эмаслиги, барча хўжалик юритувчи субъектларнинг, шу жумладан, кичик бизнес субъектларининг пул оқими барқарорлигига нисбатан салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса, иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст эканлиги хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги тўловсизлик муаммосини ҳал қилиш имконини бермайди.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланишида банкларнинг ўрнини ошириш учун қуйидаги ишларни қилиш лозим:

– кичик бизнес субъектларида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслигини ҳисобга олиб, уларни лизинг, қайтариладиган лизинг ва мулкый жавобгарлик суғуртаси асосида кредитлашга бўлган эътиборни кучайтириш;

– тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бериладиган паст фоизли кредитлар ҳажмини ошириш мақсадида, банкларнинг устав капиталида давлатнинг улушини ошириш ҳамда ушбу ресурсларни кичик бизнес субъектларини имтиёзли кредитлашга йўналтириш;

– тижорат банклари томонидан кичик бизнесни қисқа муддатли кредитлаш бўйича ресурслар тақчиллигини инобатга олган ҳолда йирик корхона ва ташкилотларнинг бўш пул маблағларидан фойдаланиш механизмаларини оптималлаштириш;

– кичик бизнес субъектларини овердрафт ва контокоррент шаклида кредитлашда юзага келадиган кредит риси даражасини пасайтириш мақсадида мазкур субъектлар учун тўловларнинг календарь кетма-кетлигини жорий қилиш.

Кичик бизнес субъектларини тижорат банклари томонидан кредитлаш самарадорлигини ошириш хусусидаги таклифимизнинг амалиётга татбиқи уларни кредитлаш ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар

- стратегияси тўғрисида”ги фармони. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 9-бет.
 3. Мухаммад Юнус, Алан Жоли. Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблицерз, 2010. – 307 с
 4. Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари//Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2017. – №1. – 30-б.
 5. Р.С. Муратов, Н.П. Пулатов. Мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида кичик бизнес корхоналарини молиялаштириш механизмлари ва истиқболлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №6, ноябрь-декабрь, 2015 й.
 6. Stiglitz, J. and Weiss, A. (1981). ‘Credit rationing in markets with imperfect information.’ American Economic Review, vol. 71, pp. 393-410.
 7. Petersen, M. and Rajan, R. (2000). ‘Does distance still matter? The information revolution in small business lending,’ University of Chicago Working Paper.
 8. Berger, A. and De Young, R. (2001). ‘The effects of geographic expansion on bank efficiency.’ Journal of Financial Services Research, vol. 19, forthcoming.
 9. Feldman, R. (1997). ‘Banks and a big change in technology called credit scoring.’ The Region, Federal Reserve Bank of Minneapolis, September, pp.
 10. И.Алимардонов. Кичик бизнес субъектларини молиялаштиришнинг айрим долзарб масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №5, сентябрь-октябрь, 2017 йил.
 11. <https://t.me/biznesdaily> - маълумотларидан фойдаланилган.
 12. <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси расмий веб-сайти.